



У

Q A R O R

2006 йил «2» декабр

№- 9116-К

«Оқдарё» ширкат хужалиги ерларини йуклама килиш натижалари, фермерларга ер майдонларини таксимлаш лойихаларини тасдиклаш тугрисида.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21-ноябрдаги ПК-514-ракамли, Самарканд вилоят хокимининг 2006 йил 24-ноябрдаги 165-К-ракамли «2007 йилда кишлок хужалик корхоналарини фермер хужалигига айлантириш чора-тадбирлари тугрисида»ги карорлари хамда «Оқдарё» ширкат хужалиги негизида фермер хужаликлари ташкил этиш буйича Оқдарё туман хокимининг 2006 йил 25-ноябрдаги 921-К-сонли карорига асосан «Уздаверлойиха» институти Самарканд филиали, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри булими мутахассислари томонидан хужаликларни кайта ташкил этиш комиссияси аъзолари билан биргаликда хужалик ерларини тулик хатловдан утказилганлиги, шунингдек дала шароитида сугориладиган ерларни сугориш тармоқларига богликлиги, ерларнинг мелиоратив ахволи, хужаликнинг ердан кандай фойдаланаётганлиги, техник таъминот ва техник хизмат курсатиш борасидаги ишлар ва таклифлар урганилиб чикилганлиги хамда Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6-моддасига асосланиб

КА Р О Р К И Л А М А Н :

1. Узбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21-ноябрдаги ПК-514-ракамли, шу хусусида Самарканд вилоят хокимининг 2006 йил 24-ноябрдаги 165-К-ракамли ракамли карори хамда «Оқдарё» ширкат хужалиги негизида фермер хужаликлари ташкил этиш буйича Оқдарё туман хокимининг 2006 йил 25-ноябрдаги 921-К-сонли карорлари маълумот учун кабул килинсин.

2. Собик «Оқдарё» ширкат ширкат хужалиги ерларини йуклама килиш буйича тузилган далолатномада курсатилган хужалик фойдаланишида булган 958,1 гектар ер, олдиндан фаолият курсатиб келаётган мавжуд 6 та фермер хужаликлари фойдаланишида булган 42,9 гектар, узга ердан фойдаланувчилар фойдаланишида булган 10,7 гектар, жами 1001,0 гектар ер майдони ер хисоботи билан солиштирилган холда 1-иловага асосан тасдиклансин.

3. Собик «Оқдарё» ширкат ~~ширкат~~ хужалиги худудида олдиндан фаолият курсатиб келаётган мавжуд 6 та фермер хужаликлари руйхати ер майдонининг турлари буйича 2-иловага асосан тасдиклансин.